

МЕҲНАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ ВА ИЖТИМОЙӢ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Рахматов Нуриддин Негқадамович,

Бухоро давлат тиббиёт институти (ЎзМУ мустақил тадқиқотчиси).

✓ *Резюме*

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ишлаб чиқариши корхонаси яхшигина фойда олиши истайди, ишлаб чиқаришини кенгайтириб, янги тармоқларни, ҳудудий бўлимларини очади ва ўз фаолиятни кенгайтиради. Шунинг учун ҳам ижтимоӣ-иқтисодий талаблардан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқаришининг самараదорлигини оширишда инсон омили ва унинг меҳнат жараёнига таъсирини асос сифатида кўриб, уни тадқиқ қилиш, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш бугунгига кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар юзасидан ўз долзарблиги билан аҳамиятиди. Мазкур мақолада инсоннинг меҳнат фаолиятида энг асосий ўрни ҳамда унинг меҳнатга бўладиган муносабати билан боғлиқ ижтимоӣ омиллар таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: меҳнат, меҳнат самараదорлиги, тизимли ёндашув, инсон омили, ички ва ташқи омиллар, инсон ресурслар, бозор иқтисодиёти, сифат назорати, бошқарув.

ВАЖНОСТЬ СИСТЕМНОГО ПОДХОДА И СОЦИАЛЬНЫХ ФАКТОРОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ТРУДА

Рахматов Н.Н.,

Бухарский государственный медицинский институт
(независимый соискатель НУУз).

✓ *Резюме*

В условиях современной рыночной экономики каждое производственное предприятие хочет получать хорошую прибыль, расширять производство, открывать новые производства, региональные филиалы и расширять свою деятельность. Поэтому изучение человеческого фактора и его влияния на трудовой процесс как основы повышения эффективности производства на основе социально-экономических требований важно с точки зрения его актуальности для проводимых реформ в теории и практике. В статье освещена важнейшая роль человека в трудовой деятельности и социальные факторы, связанные с его социальным статусом на работе.

Резюме: труд, производительность труда, система, системный подход, человеческий фактор, внутренние и внешние факторы, человеческие ресурсы, рыночная экономика, контроль качества, метод управления.

THE IMPORTANCE OF A SYSTEMATIC APPROACH AND SOCIAL FACTORS IN ENSURING LABOR EFFICIENCY

Rakhmatov N.N.,

Bukhara State Medical institute (independent applicant NUUz).

✓ *Resume*

In a modern market economy, every manufacturing enterprise wants to make good profits, expand production, open new production facilities, regional branches and expand its activities. Therefore, the study of the human factor and its influence on the labor process as the basis for increasing production efficiency based on socio-economic requirements is important from the point of view of its relevance for ongoing reforms in theory and practice. The article highlights the most important role of a person in work and social factors associated with his social status at work.

Key words: labor, labor efficiency, systemic approach, human factor, internal and external factors, human resources, market economy, quality control, management.

Долзарблиги

Меҳнат ва меҳнат қилиш жараёни азалдан инсониятнинг ҳаётида энг муҳим ролга эга бўлиб, инсониятнинг шаклланиб ижтимоийлашувига, яшаш учун керак бўлган эҳтиёжларни қўлга киритишига ўз таъсирини кўрсатиб келган. Шунинг учун ҳам инсон ҳаётининг кўпроқ қисми меҳнат қилиш билан ўтишини ҳисобга олсак ушбу фаолият нечоғли муҳим эканлигини англаш қийин эмас. Меҳнат жараёни билан бирга унинг самараదорлигининг таъминланиши иқтисодий ривожлашишга олиб келган.

Иқтисодий адабиётларда меҳнат самараదорлиги кўпинча меҳнат унумдорлиги билан бир хил тушунилади. Албатта, меҳнат унумдорлиги меҳнат самараదорлигининг жуда муҳим кўрсаткичидир, аввало, меҳнат унумдорлиги халқ хўжалик даражасидан токи иш жойигача ишлаб чиқаришнинг барча даражаларида узлуксиз тусда бўлиши мумкинлиги учун муҳимдир. Лекин, меҳнат самараదорлиги тушунчаси меҳнат унумдорлиги тушунчасидан кенгроқдир. Меҳнат самараదорлиги меҳнат унумдорлигидан меҳнат натижалари кўрсаткичи жиҳатидан ҳам, сарфлар кўрсаткичи жиҳатидан ҳам фарқ қиласи. Меҳнат унумдорлиги тушунчаси фақат моддий ишлаб чиқаришга таалуқли бўлса, меҳнат

самарадорлиги эса, унинг моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги, ҳам инсон меҳнат фаолиятининг бошқа соҳаларида маҳсулдорлигини тавсифлайди.

Корхонада меҳнат самарадорлигини таминалаш учун меҳнат жараёнига тизимли ёндашиш ва унга таъсир этадиган омилларни мазмuni ва моҳиятига кўра тизимли таҳлил этиш жуда муҳимдир. Жумладан, меҳнат самарадорлиги даражаси ва унинг динамикасига кўбгина омиллар таъсир килишини таҳлил қилишимиз мумкин.

Омиллар деб меҳнат самарадорлигининг ўзгаришига таъсир кўрсатадиган ҳаракатлантирувчи кучлар ёки сабабларга айтилади. [1] Улардан айримлари меҳнат самарадорлигининг ортишига ёрдам берса, бошқалари самарадорликнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин. Омиллар сифатида меҳнат самарадорлиги кучининг ортиши, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш, меҳнаткашлар ижтимоий шароитининг яхшилаш, табиий шароитларнинг нокулай таъсир этиши, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги камчиликлар, ижтимоий шароитдаги салбий факторларнинг кўрсатадиган салбий таъсирларини киритишими мумкин.

Айрим корхона ёки ташкилот даражасидаги омилларни ички ва ташқи турларга бўлиш мумкин. Ички омилларга корхонанинг техника билан қуролланиши даражасини, ишлатилаёттан технологиянинг самарадорлиги, меҳнат ва ишлаб чиқаришнинг энергия билан таъминланиши даражасини, татбиқ этилаётган рағбатлантириш тизимларининг таъсирчанлигини, кадрларга таълим бериш ва уларнинг малакасини оширишни, кадрлар таркибининг яхшиланишини ва корхона жамоаси ҳамда унинг раҳбарларига боғлик бўлган барчалари киради. Ташқи омилларга давлат буюртмалари ва бозордаги талаб ҳамда таклифнинг ўзгариши муносабати билан маҳсулот хиллари ва уларнинг сермаҳнатлик даражасининг ўзгариши, жамият ва минтақаларни ижтимоий-иктисодий ўзгаришлари, бошқа корхоналар билан кооперациялашув даражаси, моддий техника таъминотининг пишиқ-пухталиги, табиий шарт-шароитлар ва ҳоказолар киритишими мумкин. [1]

Барча омилларни ўз ички мазмуни ва моҳиятига кўра учта асосий гуруҳга моддий-техника омиллари, ташкилий ва ижтимоий-иктисодий омилларга бирлаштириш қабул қилинган. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг моддий асоси фан, техника ва технологияни ривожлантириш, уларнинг ютукларини ишлаб чиқаришга жорий этишдир, шунинг учун хам моддий-техника омиллари гуруҳини одатда етакчи ва қолган барча омилларни белгиловчи гуруҳ деб қаралади. [1]

Шу билан бирга, меҳнат унумдорлигига таъсир кўрсатувчи энг муҳим ижтимоий-иктисодий омилларга тизимли равишда қўйидагиларни киритишими мумкин:

- инсоннинг манфаатдорлик ҳиссидан келиб чиқсан ҳолда, ҳам якка тартибдаги, ҳам жамоа тарзидаги меҳнат натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик;

- ходимларнинг малака даражаси, компитентлиги, уларнинг касбий тайёргарлиги сифати ва умумий маданий-техникавий савияси;

- меҳнатга муносабат, манфаат ва таълим-тарбияга (касб малакасини ошириш, устоз-шогирд

тизими) асосланган меҳнат интизоми, шахсий интизом;

- ишлаб чиқариш воситаларига ва меҳнат натижаларига бўлган муносабатнинг ўзгариши;

- ижтимоий бошқарув ва ишлаб чиқариш жараёнининг оқилона ташкил этилиши, меҳнат мотивацияси, менежмент тизими ва шахсий манфаатнинг жамоавий манфаатдорлик билан уйғунашуви, ҳалоллик, корхонанинг истиқболига бефарқликнинг камайиши кабилардир.

Меҳнат самарадорлиги иқтисодий жиҳатлардан ташқари яна психофизиологик ва ижтимоий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади. Меҳнатнинг психофизиологик самарадорлиги меҳнат жараёнининг инсон организмига таъсир кўрсатиши билан белгиланади. Ана шу нутқати назардан қараганда самарали меҳнат деб фақат муайян унумдорликка эришиш билан бир қаторда зарарсиз, қулай санитария-гигиена шарт -шароитлари ва хавфсизликни, меҳнатнинг етарли даражада мазмундор бўлиши ва унинг тақсимоти чегараларига риоя қилинишини меҳнат жараёнида инсоннинг жисмоний, ақлий куч ва қобилияtlари ҳар томонлама ривожланиши имкониятларини, ишлаб чиқариш шароитининг ходимга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олишни таъминлайдиган меҳнат эътироф қилинади.

Ижтимоий меҳнат самарадорлиги эса инсоннинг ижтимоий фаолияти, муносабатлари ва ўз ҳолати ва шароитидан келиб чиқиб меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатишини англатади. Инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари натижасида ҳосил бўлувчи унинг ижтимоий кайфияти ҳам бевосита меҳнат самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Инсон-ижтимоий мавжудод бўлиб, унинг онги ўз фаолиятига нисбатан фаолдир ҳамда меҳнат фаолиятини асосий юритувчисидир. Шахс индивидуал, яъни ўзига хос психик, физиологик, социологик хусусиятлари, ноёб тақрорланмаслиги билан тавсифланади. Инсон психологияси шундай тузиљганки у хоҳлайдими ё йўқми унинг атрофида бўлаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа муносабатлар ва унинг ушбу муносабатларга киришишидан ҳосил бўлувчи ички кечинмаларида содир бўлаётган жисмоний-руҳий кечинмалари ижтимоий муҳит билан ўзаро боғлиқ равищада ижтимоий кайфиятни келтириб чиқаради. Инсон яхши кайфиятда масалага ижобий ёндашиб, кўпроқ унинг ижобий тарафларини баҳолайди. Руҳий тушкун, эзилган, хафа кайфиятда эса масаланинг салбий тарафлари бўртиб кўринади. Инсон кайфияти орқали унда меҳнатга муайян ички муносабат пайдо бўлади.

Инсон ресурсларини бошқариш усуllibарини тақомиллаштириш муаммолари юзасидан 20 йилдан ортиқ (1927-1948 йиллар) давр мобайнида "Нью-Жерси Белл Телефон" компаниясида ўтказилган Хауторндаги экспериментларида Честер П. Бернар тизимли ёндашув нутқати назаридан ишлаб чиқаришда муайян шароитларда самарали бўлган кичик гуруҳларнинг оммалашуви истиқболларига, унинг ижтимоий тузиљини мустаҳкамлаш воситаларига ва иш жараёнида персоналнинг ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларидан фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш истиқболларига аҳамият берди. Бернард, чамаси, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий тузиљишидаги расмий ва норасмий ташкилотларни биринчи бўлиб

ажратиб күрсатди, жамоада норасмий ташкилотлар, узаро муносабатлар, алоқаларнинг мавжудлиги расмий тузилмаларнинг нормал ишлаши учун, бошқарув ва ишлаб чиқариш персоналиниң самарали ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдам күрсатиши учун зарур шарт ҳисобланади. Хауторн экспериментлари инсон ресурсларини бошқаришни янада ривожлантиришнинг бошлангич нуқтаси бўлиб хизмат қиласи, қаттиқ, тартибга солиш ва кўпроқ; моддий рағбатлантиришга асосланган классик ёндашувдан бошқача асосий тавсифларга эга бўлган "инсоний муносабатлар" доктринасига ўтишни билдирап эди. Бу экспериментлар персоналнинг меҳнатдан қониқиши ҳосил қилиш даражаси билан унинг иш самарадорлигини ошириш ўртасида барқарор сабаб боғланиши борлигини кўрсатди. Шу муносабат билан якка тартибда рағбатлантириши гурух, тарзида рағбатлантириш билан алмаштириш таклиф этилди, маъмурий ва иқтисодий таъсир кўрсатиш усуllibарини эса ижтимоий-психологик таъсир кўрсатиш билан алмаштириш тавсия этилди, у меҳнатдан қониқиши ҳосил қилишни ошириди. [2]

Материаллар ва методлар: Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан АҚШ ва Япония мисолида уларнинг тажрибасига назар ташласак. АҚШда меҳнат самарадорлигига эришишда ходимларни оқилона бошқарувига катта эътибор берилишини кўришимиз мумкин. Америка корхоналарида бошқарув фаолияти шахсий жавобгарлик механизмига, индивидуал натижаларни баҳолашга, қисқа муддатларга ишлаб чиқилган аниқ, миқдорий кўринишга эга мақсадларга асосланади. Идеал америка менеджери одатда кучли раҳбарлик қобилиятини, ўзида барча бошқарув жараёни ўзида мужассамлаштирган ва олдига қўйилган аниқ мақсадларга эришиш йўлида бошқаларни бирлаштира оладиган шахсdir. Америкада кадрлар билан ишлаш янги шаклининг назарий асоси бўлган "инсон ресурслари" концепцияси ишлаб чиқилган. У ходимларни танлаш, узлуксиз ўқитиб бориш ва ишчининг сифатлари, имкониятларини, қобилиятларини аниқлаш ва доимо ривожлантириб боришга сарфланадиган сармояларни иқтисодий мақсадгага мувофиқлигина эътироф этишга асосланади. Бу концепциянинг ўзига хос хусусиятлари қуидагилардан иборат:

" замонавий шароитда инсон омили ролини баҳолашда иқтисодий мезонлардан фойдаланиш;

" фирма доирасида бошқариш;

" ходимлар билан ишлаш тизимини қайта қуриш.

Япониянинг менежмент тизими эса бутун дунёда самарали деб тан олинган. Бунинг асосий сабабларидан бири инсон омилидан фойдалана олишдадир. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин узоқ қайта тикланишини бошидан ўтказган Япония, ўтган асрнинг 50-60 йилларда жуда юқори суръатлардаги ўсишга эришиб, бу борада АҚШ, Германия, Франция, Италия каби мамлакатлардан 2-3 мартаға илгарилаб кетди. Бундай тез суръатлар билан ривожланишга ҳарбий соҳага харажатлар даражасининг пастлиги, арzon ишчи кучи ҳамда ташкилий-бошқарув характердаги каби омиллар сабаб бўлди. Япония бошқаруви бевосита мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи билан боғлиқ. Япон менежменти жамоавий бошқарувга асосланган бўлиб, шахсга таъсир қилишнинг барча ахлоқий, психологик дастакларидан фойдаланади. Авваламбор, жамоа олдида бурч ва мажбурият туйгулари

ишчиларни олдинга ундаиди. Японияда солиқ тизими аҳоли даромадларининг тенглигига эришишга қаратилгандир, бу эса аҳолининг минимал даражада тури қатламларга бўлинишини пасайтиради ва аҳолининг моддий-турмуш тарзини бир-бирига яқинластиради, бу эса ўз навбатида жамоавийлик ҳис-туйгусидан максимал самарали фойдаланиш имконини беради.

Япон бошқарув усулида инсон омили меҳнат жаённида энг асосий рол ўйнайди. Чунки ҳар қандай кишида ўзига хос ноёб қобилият яширингани ва катта яширин салоҳият борлигини улар яхши билишади. Америка моделида юқори сифатларга юқори ҳаражатлар ва паст унумдорлик билан эришилади, меҳнат унумдорлиги меҳнатни ишловчилар ва ўйловчилар ўртасида тақсимланиши ҳисобига ўсади ҳамда ҳаражатларда, сифатда, етказиб беришда йўқотишлар бўлади. Япон моделида эса, юқори сифатларга паст ҳаражатлар билан эришиш, сифат учун ишчилар жамоасини жавобгар қилиш, барча ишловчилар "фикр қилувчи ишчи - унумдор ишчидир" дега ўзларини ўйлашлари кераклиги, ҳаражатларда, сифатда, етказиб беришда ҳеч қандай йўқотишлар бўлмаслиги, юқори сифат узоқ муддатга истеъмолчилар ишончини кафолатлаши, паст сифатли товарлар ортиқча ҳаражатларга тенглиги ҳамда улардан воз кечилишига асосланган. [3]

Япония корпорациялари ўз ишчиларини шундай бошқарадики, натижада ишчилар максимал ва самарали ишлашлари керак бўлади. Бу мақсадларга эришиш учун Япония корпорациялари Американинг кадрлар бошқариш техникаси, шунингдек иш ҳақи тўлашнинг самарали тизими, меҳнат ташкилотлари ва иш жойларнинг таҳлили ишчиларнинг аттестацияси ва бошқалардан фойдаланилади. Бироқ Америка ва Япония бошқариш тизимида жуда ката фарқ мавжуд. Япония корпорациялари омади кўп ҳолларда ишчиларнинг шу компанияяга садоқатидадир. Ишчиларни компаниялар билан ўхшатиш, маънавий ва юқори даражадаги самара беради. Япониянинг бошқариш тизимининг мана шу ижтимоий томонининазарда тутиш ва кучайтишига ҳаракат қиласи.

Япония корхоналарида ҳар бир ишчиларнинг ўз корхоналарига садоқатини кўриш мумкин. Юқори мансабдор ходимлар ва ишчилар ўзларини корпорация вакиллари деб ҳисоблайдилар. Японияда ҳар бир ишчи компания учун керак ва зарур шахслигига ишонади. Одатда японияликлар ўз компанияси учун кўп ишлайди. Бу эса уларнинг фирмага садоқатини кўрсатади. Натижада эса япон корхоналарида меҳнат ресурсларини бошқариш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат фаолиятида инсоннинг ижтимоий қирралари ҳам доимо ҳар қандай меҳнат жамоаларида назарга олиниши керак. Шунингдек, профессор К.Х. Абдураҳмоновнинг фикрича, "Инсон капиталини аҳамияти табиий ресурслар, моддий бойлиқ ва воситаларга қараганда юқорироқдир".[4] Японияда ҳар бир инсоннинг шахсий фазилати эмас, балки бутун бир жамоанинг фаолияти бошқарилади ва шунда инсон омили биринчи ўринга қўйилган оқилона ташкил этилган бошқарув сабабли ҳам меҳнат самарадорлигининг ошишига олиб келади. Бу эса ҳар қандай меҳнат жамоасида муҳим ижтимоий омиллардан ҳисобланади. Бугунги кунда фаолиятидан қатъий

назар барча корхона ва ташкилотларда ҳамда муассасаларда бюрократик бошқарувдан меҳнатнинг асосий юритувчиси инсон омилига катта аҳамият бериб бориши, ривожланган дунё мамлакатларининг юқорида келтириб ўтилган тажрибаларидан унумли ва шароитдан келиб чиқсан ҳолда фойдаланиб борилса, уйлаймизки инсон капитали ва салоҳиятидан оқилона фойдаланишини ташкил этиш йўлларини топиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси". Иқтисод фанлари доктори, профессор К.Абдураҳмоновнинг умумий таҳрири остида. Тошкент.: "Ўқитувчи", 2001. 346- бет.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. - Т.: "Mehnat", 2009 йил. - 512 б.
3. Мэнкью Грегори Н. Принципы мақроэкономики. Учебник для вузов. 2-изд-е - СПб.: Питер, 2003. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдулаев- "Менежмент". Тошкент- "Меҳнат"-2000.
4. Абдураҳмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Дарслик. - Т.: "Fan va texnologiya", 2013 йил. - 476 б.
5. Тошченко Ж., Харченко С. Социальное настроение. М., 1996.
6. Н. Мэнкью, М. Тейлор Экономикс. 2-е издание, "Питер", Москва, 2013, - С 655.

Келиб тушган вақти 09.11. 2020